Ушбу сонда:
2 ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДАГИ ҒОВЛАР
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
8 ЯПОНЛАРНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРГАН қовоққа туширилган тасвирлар

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 30 январ, жума № 15-16 (1649)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ





***29 январ куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Олий Мажлисга Тошкент вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди.***

***Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Мамлакатимизни улкан қурилиш, ободончилик ва бунёдкорлик майдонига менгзаш мумкин. Барча вилоят ва туманларда, шаҳар ва қишлоқларда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Бу янгиланишлар нафақт Ватанимиз қиёфасида, балки халқимизнинг онги ва шуурида ҳам ўз инъикосини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида бўлаётган ўзгаришларни мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларнинг, улкан бунёдкорлик ишларининг узвий бир қисми сифатида баҳолади.

Тошкент вилоятининг мамлакатимиздаги ўрни ва мавқеи, инфратузилмаси ва коммуникацияси, табиий заҳиралари ва инсон ресурслари беқиёс. Юртимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 10 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 12 фоизи шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Афсуски, сўнгги йилларда вилоятнинг обрў-эътиборига соя соладиган камчилик ва нуқсонлар кўпаймоқда. Вилоят кўпгина соҳалар ва йўналишлар бўйича ортда қолмоқда.

Юртбошимиз вилоятдаги аҳвол ҳақида очиқ-ойдин гапирар экан, ижтимоий соҳадаги муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтди. Айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги аҳвол аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

У.Мирзақулов нафақага чиқиши муносабати билан Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Козим Тўлаганов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Қибрай туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиги раиси Акмал Назаров, Паркент тумани ҳокими Мирзамашраб Кўччиев, Бўка тумани ҳокими Жўрабой Миралимов, Янгийўл шаҳридаги 3-мактаб директори Равза Зинурова ва бошқалар Президентимиз нутқида белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга ошириш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш вилоят аҳлининг асосий вазифаси эканини таъкидлади. Воҳанинг азалий обрў-эътиборини тиклаш, катта салоҳият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, шуҳратини янада юксалтириш учун вилоят меҳнаткашлари куч-ғайратини аямаслиги ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишини қайд этди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

### Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

***Муборак Қурбон ҳайити азалдан юртимизда халқимизга хос меҳр ва мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келаётгани, ушбу айёмда ёши улуғ кексаларга ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ва ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш хайрли анъана эканини, бу сананинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам - Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. 2004 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 1 февралга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 январ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

### К.Н.Тўлагановни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Козим Носирович Тўлаганов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 январ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

### У.М.Мирзақуловни Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Уммат Маматқулович Мирзақулов нафақага чиқиши муносабати билан Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 январ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

### К.Н.Тўлагановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Козим Носирович Тўлаганов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 январ

## СИФАТ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

*Оролбўйида Япониянинг NEC Corporation фирмаси билан ҳамкорликда Қўнғиротдан Мўйноққача 100 километрли энг замонавий оптик толали кабел ётқизилди. Бу Мўйноқ туманига узатилаётган радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар ҳамда алоқа тизимининг сифатини кескин яхшилайди. Туман марказидаги радиореле станцияси тўла таъмирдан чиқарилиб, замонавий ускуналарни ўрнатишга тахт қилиб қўйилди.*

*- Янги кабелнинг афзаллиги шундаки, - дейди радиореле станцияси раҳбари Кўмакбой Ўтегенов,- у тўртта оқимдаги 120 каналга эга, телерадио сигналларини ўта аниқлик билан қабул қилиб олади.*

*Ётқизилган кабелнинг битта канали телефон учун хизмат қилади. Туман аҳолиси Орол денгизи бўйидан туриб, дунёнинг исталган бурчаги билан бемалол боғлана олади.*

*Хабарлар оқимидан*

## БОҒ ЭГАСИНИ ТОПДИ

***Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 70 гектар майдонни эгаллаган ташландиқ боғни «Гиндрува» Ўзбекистон-Литва қўшма корхонаси сотиб олди. Боғни тиклашга ҳозирнинг ўзидаёқ 20 киши жалб этилди.***

- Биз ўттиздан ортиқ кишини ишга жалб қилмоқчимиз,- деди қўшма корхона директори О.Абдуғаниев. - Боғни парваришлаш, ҳосилни териб олишдан ташқари, улар сабзавотларни қайта ишлаш цехида ҳам меҳнат қилишади. Жамоамиз нафақат ички бозорни тўлдириш, балки экологик тоза маҳсулотлардан тайёрланган турли шарбатлар ҳамда мураббоMarни ҳам экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Йил охирига келиб корхона 40 миллион сўм соф даромад олишни кўзламоқда. Маблағларнинг катта қисми боғни кенгайтириш, табиат неъматларини қайта ишлашнинг илғор технологияларини жорий этишга сарфланади.

«Гиндрува» вилоят марказида фирма дўкони, чорва моллари учун озуқа сотадиган савдо корхонасини очиш ниятида.

## ИРРИГАТОР - ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

***Бухоро вилоят далаларида қишки шўр ювиш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бунда ирригаторларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.***

Вилоятда экин экиладиган ерлар кўтарма насослар ёрдамида суғорилади. «Ҳамза-1», «Ҳамза-2» ва Олот насос станциялари Амударё сувини бир неча ўн метр юқорига кўтариб беради. Улар ўтган йилнинг ноябр-декабр ойларида тўлиқ таъмирдан чиқарилган эди. Шўр ювиш тадбирлари арафасида Қоракўл, Емонжар, Пойкенд, Янгиобод, Сайет, Тармоқ-7, Оқолтин насос станцияларидаги асосий агрегатлар ҳам мутахассислар назоратидан ўтказилди.

Аму-Бухоро ирригация ҳавза бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, зах қочиришда мавжуд 816 тик қудуқдан самарали фойдаланилмоқда. Битта тик қудуқ эса 60 гектаргача майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради.

## ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲА

***«Пойтахт» меҳмонхонасида «Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича касбий таълимга кўмаклашиш» мавзуидаги Ўзбекистон-Германия лойиҳасининг ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Лойиҳа Ўзбекистон Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази, Германия Техник ҳамкорлик жамияти ва Германиянинг KfW банки томонидан амалга оширилмоқда.***

Семинарда таъкидландики, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг асосий вазифалари ахборотлаштириш миллий тизимини яратиш, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва жамият ҳаётига замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини жорий этишдир.

Мазкур қўшма лойиҳа 2003 йил октябрида бошланган бўлиб, унинг учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ўнта касб-ҳунар коллежи танлаб олинган. Ҳозирги вақтда ахборот-коммуникация технологияларига оид касблар бўйича мавжуд стандартларни қайта текшириш ва такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Касбий стандартларни ишлаб чиқиш мақсадида семинарлар ўтказиш, ўқув дастурларини тайёрлаш, коллежларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш лойиҳанинг ажралмас қисми саналади. Асосийси, ҳозирда эҳтиёж катта бўлган электрончи, ахборотчи, ахборот ва телекоммуникация тизимлари соҳаси иқтисодчиси каби мутахассисларни тайёрлаш кўзда тутилган.

**(ЎзА)**

*Меҳнат ва рағбат*

## ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

***Юқори Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бундан 2-3 йил илгари қолоқ корхоналар сафига тушиб қолганди. Туб иқтисодий ислоҳотлар туфайли ҳозирги кунда корхона яна туманда илғор жамоалар қаторидан ўрин олди.***

***Раҳбарият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига кўра ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини муҳофазалаш, уларга кўнгилдагидек иш ҳамда дам олиш шароитини яратишга ҳам эътибор кучайтирилди.***

Ишчиларга махсус кийим-бош учун 1,5 миллион сўм, ҳар бир меҳнатчига бир маҳал бепул иссиқ овқат, зарарли шароитда ишлайдиганларга сут-қатиқ мунтазам равишда бериб борилмоқда. Бунинг учун 4 миллион сўм ажратилди. Касб касаллигининг олдини олиш мақсадида ишчилар тиббий кўрикдан ўтказилди. Корхона қошидаги тиббий муассасада эса керакли дори-дармонларнинг барчаси топилади. Бундан ташқари зарарли шароитда ва тунги сменада ишлаётганларга қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Корхона хайрия сифатида «Ногиронларни ҳимоялаш куни»га яхшигина маблағ ажратди. Соғлом авлод жамғармасига, қариялар уйига ҳам маблағ ўтказилди. Оталиқдаги 31-мактаб спорт залини таъмирлаш учун корхона ҳисобидан 2 миллион сўм кетди. Оилавий шароити оғир фарзандларга 170 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди.

– Мен шу корхонада 20 йилдан бери меҳнат қилиб келаман,–дейди ишчи Тўлқин Ризқибоев. — Маошим ҳам шунга яраша.

— Корхонамиз иқтисодий жиҳатдан қанчалик бақувватлашган сари меҳнаткашларни моддий ва ижтимоий муҳофазалашга шунчалик кўп эътибор қаратяпмиз, – дея суҳбатни давом эттирди касаба уюшма қўмитаси раиси А.Жўраев. – Мисол учун ўтган йили ишчиларимиздан Таслима Бобоқулова, Мамлакат Ҳожимуратова, Неъмат Қўзиев, Музаффар Хатамов ва М.Қурбонқуловаларга оилавий ётоқхонадан уй ажратилди.

Ишчиларимиздан ўтган йили 3 та шикоят келиб тушди. Мисол учун Гулзира Сутибоева иш ўрни қисқартирилганда мурожаат қилган. Алёна Қутибоева ва Дилфуза Маҳмадалиевалар эса болалар нафақасини вақтида ололмагани тўғрисида касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилишган. Аризалар маъмурият билан биргаликда ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

**Ю.ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*«Ишонч» фош этади*

## НОҚОНУНИЙ САВДО

### унга чек қўйилди

***Тошкент – Ўш йўлида машиналар ҳаракати бир зум ҳам тинмайди. Баъзида автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида дизел ёнилғиси бўлмай қолади. Шундай ҳолатларда «КамАЗ» ҳайдовчилари «қўлдан» ёнилғини осмон баҳосида олиб кетаверади.***

***Ангренлик сохта тадбиркор Ирахлия буни яхши биларди. Шу боисдан ғамлаб қўйган 210 литр дизел ёнилғисини йўл бўйига олиб чиқди. Афсуски, бу гал ёнилғига «КамАЗ» ҳайдовчилари эмас, балки шаҳар солиқ хизмати ходимлари «харидор» бўлишди.***

Бўка тумани «Бўстон» ширкат хўжалиги марказида истиқомат қилувчи Димитрий Акритиди ҳам ноқонуний савдо устида қўлга тушди. У холаси Елена Ермакованинг хонадонида буханка нон ишлаб чиқарувчи яширин цех очган эди. Рейд ўтказилган куни 300 та буханка нон печдан олиниб эндигина сотувга чиқарилаётган паллада тўхтатилди. Солиқчилар тайёр маҳсулотдан ташқари цехдаги 50 та қолип, уч қоп ун ва печни ҳам рўйхатга олиб Димитрийнинг ноқонуний савдосига чек қўйди.

Бўка шаҳрида истиқомат қилувчи Худойқул Раҳмонқулов молхонасида ташкил этилган яширин қўлбола мойжувоз цехи ҳам солиқчиларнинг ҳушёрлиги билан барҳам топди. Мойжувоз туман электр тармоғига рухсатсиз уланган эди. Чигитни оққўрғонлик А.Асрақулов етказиб берарди.

Текширув ўтказилаётган куни давлат белгиси 11 Q7817 бўлган «Дамас» машинаси Худойқулнинг эшиги олдига келиб тўхтади ва ҳайдовчи 21 қоп чигитни бемалол тушира бошлади. Чигит уй эгасининг буюртмаси бўйича олиб келинганлиги дарров маълум бўлди. Ушбу ҳолат холислар гувоҳлигида далолатномага киритилди.

Худди шундай мойжувоз цехи Бекобод туманидаги «Ғалаба» ширкат хўжалигида ҳам фош этилди. Уни Ачамойли маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро П.Хидирназаров яширинча ташкил этган экан.

Афсуски, пул деса ўзини томдан ташловчи сохта тадбиркорлар ҳамон учраб турибди. Амалдаги қонун-қоидаларга беписандлик охир-оқибатда уларни бадном қилаяпти.

Яқинда Чилонзор тумани Чўпон ота кўчасида жойлашган «Фарммаркет» масъулияти чекланган жамиятга қарашли дорихона кўздан кечирилганда 498,5 минг сўм савдо пули назорат-касса машинаси хотирасига киритилмаганлиги камлик қилганидек, 2,5 миллион сўмликдан кўпроқ дори-дармонлар ҳужжатсиз савдога қўйилганлиги ҳам маълум бўлди. Ўша куни сотувчи провизор Ш.Ғаниева харидорга 200 сўмлик харид учун чек бермаганлиги учун текширув кўлами кенгайтирилди ва кутилмаган ҳуқуқбузарликлар ошкор этилди.

Шайхонтоҳур туманида фаолият кўрсатаётган «Анвар Маҳмуд ўғли» хусусий фирмасига қарашли дорихонанинг сотувчи-провизори Умида Нурмуҳамедова ҳам 1250 сўмлик харидга чек бермаганлиги учун текширувлар чуқурлашиб бошқа қоидабузарликлар ҳам очилиб кетди. Шу жараёнда 33650 сўм назорат-касса машинаси хотирасига киритилмаганди. Бундай ҳуқуқбузарликлар катта-катта жарималар билан «сийланди».

Шунга қарамай хусусий тадбиркорларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари барча савдо шохобчаларида учраб турибди, десак муболаға бўлмас. Бухоро вилояти, Тўқимачи туманида фаолият кўрсатаётган «Камолхонтранс» хусусий фирмасига қарашли савдо шохобчаларида тезкор текширувлар ўтказилганда 60,8 миллион сўм савдо пули назорат-касса машиналарига кирим қилинмаганлиги, 28,8 миллион сўм нақд пул тушуми банк муассасаларига топширилмай бошқа мақсадларга сарфланганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, фирманинг Тошкентдаги банкларда иккиламчи ҳисоб-рақамлари мавжудлиги ҳам аниқланди. Молиявий интизомни қўпол равишда бузиб келган фирма раҳбари О.Қўшиев устидан дарҳол жиноят иши қўзғатилиб тергов ҳаракатлари бошланди. Суриштирув давомида банкка топширилиши лозим бўлган 28 миллион 487 минг 700 сўмдан 19 миллион 337 минг 350 сўм ундириб олинди.

Бюджетга ундириладиган маблағларда кўпчиликнинг ҳақи бор. Бу маблағ ишловчиларга иш ҳақи, талабаларга стипендия, нафақахўрларга нафақа, етим-есирлар ва ногиронларга ёрдам тарзида тақсимлаб берилади, ободонлаштириш ишларига сарфланади. Шу оддий ҳақиқатни тушунмайдиган айрим тадбиркор ва тижоратчилар тушган тушумни яшириб, беш панжани оғзига тиқиши ажабланарли ҳол.

Ҳамза туман солиқ хизмати ходимлари томонидан «Машинасозлар» бозори автобекатида жойлашган «Муҳитдин ФН» масъулияти чекланган жамиятга қарашли дўконда ўтказилган тезкор текширувда шундай баднафсларнинг бири қўлга тушди. Сотувчи Улуғбек Каримжонов солиқчилар келгунча дўконга кирим қилинмаган ва сифат сертификатига эга бўлмаган 5100 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотини сотишга улгурган эди. Лекин бир сўмлик харидга ҳам назорат-касса машинасидан чек уриб берилмаган эди. Шу тариқа назорат-касса машинасига жами 54 минг 595 сўм савдо тушуми кирим қилинмаганди. Назорат-касса машинасидан даврий ҳисобот олинганда 99500 сўм нақд пул тушуми инкассация қилинмаганлиги, дўконга кирим қилинмаган ва сифат сертификатига эга бўлмаган 840 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари, 87 минг сўмлик акциз маркасиз спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари очиқ савдога қўйилганлиги ҳам ошкор бўлди. Бундай ҳолатда тушган тушум банкни четлаб, учар тадбиркорлар киссасига тушиб кетаверади.

Худди шундай манзара Мирзо Улуғбек тумани 3-Қорасув мавзесидаги «Ҳалима-Саидбегим» хусусий фирмасида ҳам кўзга ташланди. Ўша куни фирмага қарашли дўкон сотувчиси Ф.Абдуқодиров 2,4 миллион сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан НКМ ни четлаган ҳолда савдо қилиб турган эди. Улар орасида 163,7 минг сўмлик хориж пивоси, 87,9 минг сўмлик вино, 46,6 минг сўмлик коньяк, 241 минг сўмлик арoқ ва бошқа акциз солиғи тўланадиган маҳсулотлар бор.

Албатта, савдо қоидаларини қўпол равишда бузган сотувчи ҳам, фирма раҳбарлари ҳам жазосиз қолмади. Лекин мавжуд қонун-қоидаларни билиб туриб бузиш ҳолатлари тобора одат тусига кириб бораётганлиги бизни афсуслантирмоқда. Бўлмаса ҳуқуқбузарлар матбуот саҳифаларида, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда фош этилаяпти, улар тўғри яшаб, тўғри меҳнат қилишга даъват этилаяпти. Наҳотки, айтилаётган гаплар таъсир қилмаса...

**Ж.НОСИРОВ**

*Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида*

# ИШ ЖОЙИДАН

## кўнглингиз тўқми?

***Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасида 32 та бирлашган касабақўмлар фаолият юритаётир. Қўмитамиз олий ўқув-юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, лицейлардаги ходим ва талаба-ёшлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, кам таъминланганларни моддий қўллаб-қувватлашга даъват этилган. Бу тадбирлар 2 та жамоа келишуви, 19 та жамоа шартномаси орқали кафолатланган.***

Раёсат мажлисларида, Пленум ҳисоботларида жамоа шартномаларининг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиб боришимиз, ўз самарасини бераяпти. Натижада ҳар бир ходим учун ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган моддий ёрдам кўрсатиш ҳажми йил сайин кўпайиб бормоқда. Унинг миқдори 3100 сўмдан 5600 сўмгача ошганини айтиш кифоя.

Кам таъминланган педагог ходимлар, боқувчисини йўқотган талаба ёшлар, соғлиғини тиклаш илинжида юрган қариялар касабақўмни орқа қилиб мутасаддиларга учрашадилар. Ўз навбатида тармоғимиз фаоллари одамларга дардкаш бўлишга интиладилар.

Рағбат, қадр-қиммат, меҳру оқибат шарқона анъаналаримиз сирасига киради. Бу фазилатлар замирида халқимизнинг тотувлиги, бағрикенглиги ётади. Кейинги икки йил мобайнида 912 нафар халқ таълими фидойиси моддий ёрдам олди.

Андижон Давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси Абдуҳаким Ҳакимовнинг ишхонаси ходимларга, талабаларга ҳамиша очиқ. Уй-жойини таъмирлаш, контракт ҳақини тўлаш, соғлиғини яхшилаш истагида қадам ранжида қилаётган эҳтиёжманд ёш оилалар, қариялар, талабалар ушбу даргоҳдан ноумид қайтмайдилар. Чунки касаба уюшма маблағлари ҳисобидан уларга 390 минг сўмлик санаторий-профилакторий йўлланмалари ажратилди. 2 миллион 136 минг 482 сўмлик ёрдам пули берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоят суд, прокуратура, банклар ва бошқа назорат идоралари билан ҳамкорлигимиз қарздорликни тугатишда катта аҳамият касб этаётир. Хусусан, текшириш натижалари бўйича мансабдор шахсларга огоҳлантириш хатлари юборилмоқда, судларга даъво аризалари киритилмоқда. Бунинг натижасида 2003 йилнинг 20 ноябр ҳолатига кўра тармоқда муддати ўтган иш ҳақидан қарздорликка барҳам берилди.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш диққат марказимизда. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» талабларидан келиб чиқиб тарғибот ишларини яхши йўлга қўйганмиз. Чунки жойлардаги меҳнат низоларининг аксарияти фуқароларда ҳуқуқий билимларнинг етишмаслигидан келиб чиқаётганлиги сир эмас. Меҳнат қонунчилигига доир услубий қўлланма, ишланмалар яратилиб, касабақўмларга тарқатилди. Тармоқ қўмитаси ҳузурида «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди. Мутахассислар оғзаки ва ёзма мурожаат билан келган кишиларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Иш жойларини хатловдан ўтказиш, хавфсиз, соғлом иш шароити яратиш, зарарли шароитларда ишловчиларни махсус кийим-бош билан таъминлаш меҳнат муҳофазасининг муҳим шартларидир. Шу боис мактаб ва ўқув юртларида техника хавфсизлиги ойлиги, ёнғинга қарши тадбирлар уюштириш, техника хавфсизлиги хоналари ташкил қилишни назардан қочирмаяпмиз. Жумладан, Андижон муҳандислик иқтисодиёт олийгоҳи, Асака педагогика иқтисодиёт коллежи, Олтинкўл халқ таълими тармоқ касабақўмларида меҳнат муҳофазасига оид кўрик-танлов, ойлик, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда.

Шунга қарамасдан меҳнат муҳофазаси масаласига бефарқ қараётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳайдарали Шахобиддинов бир неча йиллардан буён Бўз туман тармоқ қўмитасини бошқариб келади. Аммо у илмгоҳлардаги лабораторийлар, кимёвий тажрибалар ўтказадиган фан ўқитувчиларига зарарсиз иш шароити яратиш, уларни махсус кийим- бош билан таъминлашни пайсалга солаяпти. Йиғилишларда танқид қилинса, пул маблағларини етишмовчилигини баҳона қилишдан нарига ўтмайди. Лекин дарс машғулотлари пайтида учқун чиқиб, ёки заҳарли моддалар тўкилиб ўқитувчи ва ўқувчиларнинг соғлиғига хавф етмаслигига ким кафил бўлади? Бундай қониқарсиз аҳволни Тўлқинжон Ўринбоев етакчилик қилаётган Улуғнор, Расулжон Одилов етакчилик қилаётган Хонобод шаҳар тармоқ қўмиталари иш фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Иш жойларининг хавфсизлиги тўғрисида тўхталишга асос бор. Чунки аксарият мактаблар, коллежлар, лицейлар, олийгоҳларнинг фан кабинетлари электр ёрдамида ишлайди. Аудео, видео ускуналар, компьютер, факслар, нусха кўчириш техникалари билан ўқитувчилар, ўқувчилар мунтазам муомалада бўлади.

Таҳлиллар тармоқда соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигига эришишда оқсоқлик мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, юқорида қайд этилган Улуғнор, тумани, Хонобод шаҳар мактаб, лицей, коллежларида спорт тадбирлари хўжакўрсинга ўтказилаётир. Қорасув шаҳар таълим муассасаларида спортнинг бор йўғи 2-3 туридан тўгараклар очилган, холос. Тармоқ ходимларининг 2003 йилда ўтказилган вилоят мусобақаларида хонаободликлар энг охирги ўринга тушиб қолдилар. Улуғнор тумани маорифчилари 18-ўринда, Қорасувликлар 17-ўринда судралиб, пешқадамлар қаршисида ер чиздилар.

**Йўлдошбой МАШРАБИЕВ,**
**Андижон вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси**







*Ҳаммаси инсон учун*

# ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР СИҲАТГОҲИ

***Тошкент шаҳридан 22 километр узоқликда, Зангиота туманининг энг баҳово ерига жойлашган «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компаниясига қарашли «Назарбек» санаторий-профилакторий темирйўлчиларга яхши таниш.***

Саккиз қаватли, Швейцария лойиҳаси асосида қурилган мазкур сиҳатгоҳ 1999 йилнинг 15 августидан фаолият кўрсата бошлаганди. Ташкил топганига қарийб беш йил бўлган профилакторийда 11 минг нафардан зиёд тармоқ меҳнаткашлари ўз соғлиқларини тиклаб олишди. Бу ерда асосан ошқозон-ичак, нафас, буйрак, жигар-ўт йўллари, сурункали гинекологик-урологик, суяк-бўғин, асаб хасталикларига чалинганлар даволанишади.

Санаторийда муолажанинг 85 фоизи маъданли сув билан амалга оширилаётгани эътиборга лойиқдир. Марваридли ва маъданли ванна, циркуляр душ каби шифо усуллари шулар жумласидандир. Бундан ташқари бу ерда парафин, балчиқ, ўртача ҳамда юқори частотали электр токи билан даволаш ҳам йўлга қўйилган. Даволанувчилар айниқса, кардиолог Шоиста Абдуҳалилова, уролог Шокомил Эгамбердиев, терапевт Дилфуза Қорабоевалар ва ҳамширалар Шаҳноза Самихўжаева, Маъмура Қорахўжаевалардан миннатдор.

– Термиз шаҳар вагон депосида таъмирловчи бўлиб ишлайман, – дейди Тўра Жўраев.- Кейинги пайтларда мени бел оғриғи безовта қилиб келарди. Турли муолажалар олиб, дардимга шифо топдим..

— Бу ерга иккинчи бор келишим, - дея суҳбатни давом эттирди Равшан Каримов. – Ўзим Ховос станциясида оддий ишчиман. Бўғинларимга йиғилган тузларни тарқатиб юборишда турли муолажалар шу жумладан, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган ичимликлар, тренажёр хонасидаги машғулотлар катта фойда берди.

Ҳа, сиҳатгоҳда тармоқ ишчи-хизматчиларининг дам олиши ва даволанишлари учун барча шароитлар муҳайё. Чойхона, сауна, бассейн ҳам улар ихтиёрида. Билярдхона эса доимо гавжум. Кутубхонада даврий нашрлар, турли бадиий адабиётлардан исталган вақтда фойдаланиш мумкин.

– Тармоқ меҳнаткашларига янада қулайлик яратиш мақсадида ўтган йили 150 ўринли қўшимча бино қурилиб, ишга туширилди. Яқин келажакда бу ерда яна бир мажмуа фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, очиқ сузиш ҳавзаси, теннис корти ишга туширилади.

Санаторийда турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказиб турилади. Концертлар, кулгу кечалари, олимлар ва ёзувчилар билан ўтказилаётган учрашувлар, мамлакатимиз пойтахтининг диққатга сазовор жойларига уюштрилаётган саёҳатлар шулар жумласидандир.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЧИҚИНДИ - ИККИЛАМЧИ ХОМАШЁ МАНБАИ

***Мамлакатимизда чиқиндиларнинг инсон саломатлиги ва табиатга етказаётган зарарини камайтириш, улардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиш мақсадида кенг кўламда иш олиб борилялти.***

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли сув таъминоти, канализация, гидротехник иншоотлар ва инженерлик гидрогеологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан ишлаб чиқариш чиқиндиларини бошқаришда замонавий технологияларнинг ўрнига бағишлаб ташкил этилган семинарда шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда мамлакатимиздаги етакчи саноат корхоналари мутахассислари бу борада Япониядаги мавжуд тажриба билан яқиндан таништирилди.

## ЧЎПОНЛАР СИМ ҚОҚДИ

Томди туманидаги «Оёққудуқ» ширкат хўжалигида беш мингга яқин чўпон оиласи истиқомат қилади. Илгари чорвадорлар узоқроқ жойга қўнғироқ қилмоқчи бўлса, Зарафшон шаҳрига борарди. Энди бунга ҳожат қолмади. Хўжалик марказида 500 нуқтали автомат телефон станцияси қурилиб, хонадонларнинг барчасига телефон ўтказилди. Сарф-ҳаражатлар тўла хўжалик ҳисобидан қопланди.

**(ЎзА)**

*Ижтимоий ҳимоя*

# ЁШ БОЛАЛИ ХОДИМЛАРГА ИМТИЁЗ

***Шарқнинг буюк олими Абу Али ибн Сино «Шифокор – беморнинг дўсти, мураббийси ва ёрдамчисидир», деган эди. Ушбу доно фикр бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у муваффақиятли амалга оширилмоқда. Қишлоқ жойларда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш дастурнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда қишлоқларда замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган врачлик пунктлари, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказлари, шифохоналар фаолият кўрсатмоқда.***

Шунингдек, ўрта тиббиёт ходимларининг касбий билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ҳам кўплаб ишлар қилинмоқда. Ҳамшираларнинг касбий малакаларини янада мукаммаллаштириш учун тиббиёт институтлари қошида олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш факультетлари, академик лицейлар ташкил этилди. Чунки ҳамшира бемор билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, шифокор тавсиясига биноан белгиланган муолажаларни амалга оширади. Бемор дардига ширин сўзи билан малҳам, далда бўлади. Соғлом авлод тарбияси учун зарур шарт-шароитларни яратиш, юқори даражали тиббий хизмат тизимини ривожлантиришда соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боис бу муҳим масала Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг доимий назоратида бўлиб келмоқда.

Хусусан, ходимларнинг самарали меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини муносиб тақдирлаш мақсадида тармоқ Марказий қўмитаси вазирлик билан ҳамкорликда қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Тизимни ислоҳ қилиш жараёнида тармоқ ходимларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари муҳофазаси, ҳуқуқий ҳимоясини таъминловчи қонун ҳужжатлари учун таклифлар ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутиши табиий ҳол, — дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Озодахон Муҳиддинова. — Жамоа шартномаларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, аёллар, ёшлар учун алоҳида имтиёзларнинг кўзда тутилиши, ёш болали ходимларга етарли шароитлар яратиб бериш, шунингдек, касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиляпти.Шу билан бирга ходимлар ҳуқуқий онгини ошириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Республика миқёсида касаба уюшма фаоллари иштирокида семинарлар ўтказиш одат тусига айланган.

Тизимда меҳнат муҳофазаси бўйича ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Марказий қўмитага мурожаат қилганлар аризаси чуқур ўрганилиб, ижобий ҳал этилмоқда. Ишлаётган, 2 ёшгача фарзанди бор оналар нафақасини узилишларсиз ўз эгаларига етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳа ходимларининг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда саломатликларини мустаҳкамлаб бориш, хусусан, тармоқ муассасаларида меҳнат қилаётган аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш тадбирлари одат тусига кирган. Оналар ва болаларни тўлиқ диспансеризациядан ўтказиш ташкил этилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш доимий эътиборда. Биргина ўтган йили ёзги мавсумда Андижон вилоятидаги «Шифокор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида соҳа ходимлари фарзандлари, жумладан, Оролбўйи болалари соғломлаштирилди. Марказий қўмита томонидан маданий-маърифий ишларни янада ривожлантириш мақсадида «Энг ибратли оила», «Аёл борки, олам мунаввар», «Қувноқлар ва зукколар», «Аёл дунёни тебратади» каби кўрик-танловлар ўтказиб бориляпти.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўтган йили Конституция куни ҳамда Рамазон ҳайити арафасида кам таъминланган, ёлғиз оилаларга, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига меҳр-мурувват ёрдами ҳамда хайр-эҳсон кўрсатишдек хайрли ва эзгу ишларни амалга оширди. Тармоқ Марказий қўмитаси ҳам ушбу савобли тадбирларни қўллаб-қувватлаб, Тошкент вилоятидаги сил касалликлари шифохонасига 1 миллион сўмга яқин хайрия ёрдами кўрсатди. Жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бу каби эзгу ишлар орқали соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясига янада эътибор кучайди.

Ижтимоий ҳимоянинг яна бир муҳим йўналиши даволанувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдир. Бунда шифокор ва беморлар ўртасидаги этика ва деонтология тамойилларига намунали риоя қилиниши, ёш кадрларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш, тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилаш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилмаслик, даволанувчиларни зарур тиббий воситалар билан таъминлаш, кам таъминланган беморлар ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш ,ҳамда тиббиёт ходимлари билимларини замонавий фан ютуқлари даражасида доимий ошириб бориш асосий ўрин тутади. Тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси ушбу йўналишдаги ишларни янада самарали амалга оширишда ижтимоий ҳимояни ўз фаолият мезони деб билади.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби**

***Жиззах вилоятида қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили вилоят қишлоқларида йигирмата қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.***

## ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА ҚУЛАЙЛИК

Асосий ҳудуди чўл ва тоғлардан иборат, аҳолисининг 60 фоизи қишлоқларда яшовчи вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис воҳада ҳар йили йигирмадан зиёд қишлоқ врачлик пункти барпо этилади. Навбатдаги шундай маскан Бахмал туманида очилди. Эътиборли томони шундаки, мазкур шифо маскани ҳашар усулида ўрмон хўжалиги жамоасининг моддий кўмагида бунёд этилди. Жами 73 минг гектар майдонга эга - олма, бодом, ёнғоқ каби мевалар ва доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган Бахмал ўрмон хўжалиги ўтган йилги даромад ҳисобидан врачлик пункти қурилишига 3 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси эса тиббий ускуналар ажратди.

- Пункт қурилмасдан олдин аҳоли етмиш километр узоқликдаги марказий шифохонага қатнарди, - деди янги врачлик пункти бош шифокори Гулсара Келдибекова. - Эндиликда аҳолига замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифо маскани қуриб берилди.

**"Туркистон-пресс"**

## МУРУВВАТДАН МУНАВВАР КЎНГИЛ

Меҳр-мурувват ардоқланаётган ушбу йилда "Қашқадарёгазсаноат" очиқ ҳиссадорлик жамияти, "Қашқадарёгўштсутсаноати" очиқ ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамда "Қашқадарёматлуботсавдо" худудий акциядорлик компанияси жамоалари Қарши шаҳридаги Меҳрибонлик уйида истиқомат қилувчи болаларга совға-саломлар улашдилар.

"Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг ташаббуси билан Американинг "Сетти ХАУФ интернейшнл" компанияси томонидан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам Меҳрибонлик уйига топширилди.

-Бу ерда эллик нафар болалар тарбияланиб, камол топишмоқда,-деди Меҳрибонлик уйи директори Гулсара Раҳмонова "Туркистон-пресс" мухбирига.- Турли ташкилотларнинг қўллаб-қувватлашлари, шунингдек кўпгина ҳомийларнинг моддий ва маънавий кўмаклари фарзандларимиз қалбига мунавварлик бахш этмоқда. Уларнинг яхши ўқишлари, тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Яхши таъмирдан чиқарилган спорт мажмуамиз ҳамиша тарбияланувчилар билан гавжум.

*Ислоҳот йўлидаги ғовлар*

***Хўжалик юритишнинг самарали усули — пайчилик асосида фаолият бошлаш бўйича барча тадбирлар белгилаб олинди. Даставвал ана шу юмушлар тақсимоти юзасидан умумий йиғилиш қарори ҳам қабул қилинган. Янгиликни ҳаётга татбиқ этиш, деҳқон ва миришкор шуурида ерга эгалик ҳиссини мустаҳкамлашга дадил киришилган.***

# КАСАБАҚЎМ МАСЪУЛИЯТНИ УНУТГАЧ

Ростини айтганда, Хива тумани хўжаликларида вилоятда биринчилардан бўлиб ширкат усулида иш юритилган дастлабки кезлар муаммолар ўз-ўзидан барҳам топа бошлади. Чунки пудрат усулида иш бошлаган оилалар ҳар бир қилаётган юмушини пухта билиб, сарф қилаётган сўмлари сарҳисобда мўмай даромад келтиришини биларди.

Бироқ вақт ўтиши билан маъмурият ва касаба уюшма раҳбарларининг меҳнат қонунларига амал қилмаганлиги ва жамоа шартномалари бандларини бажаришга юзаки ёндошганлиги натижасида ишлаб чиқариш ва маҳсулот етиштириш орқага кетди. Одамларни вақти-вақти билан қилган меҳнатига яраша рағбатлантириш, иш ҳақини ўз вақтида бериш каби ишларга эътиборсизларча ёндошилганлиги натижасида белгиланган режалар уддаланмай қолди.

Тумандаги 10 миллион сўмга яқин иш ҳақидан муддати ўтган қарзлар ҳуқуқ-тартибот идоралари аралашгунга қадар тўланмасдан келди.

Мутахассисларнинг ўз ишига панжа орасидан қараб келганлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ва пахта, ғалла ҳосилини вақтида йиғиб олишга таъсир кўрсатмасдан қолмаган. Мисол учун ширкат хўжаликларининг кўпчилигида механизаторлар кучи билан 2002 йилда экинларга агротехник ишлов бериш ва йиғиштириб олиш 85 фоизни ташкил қилган бўлса, якунланган йилда бу рақам 60 фоизни ташкил этди.

Инсон манфаатларини устувор йўналишга олиб чиқиш, кам таъминланган, меҳр-мурувватга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш ишларида касаба уюшмалари фаоллиги айниқса зарур. Бошқача айтганда, меҳнат жамоаларида амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш ва жамоа шартномаларининг бажарилишини назорат қилиш касабақўм зиммасида. Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10 ва 11-моддаларида ҳам касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ манфаатлари, маъмуриятга қонунлар бузилишини бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш каби ҳуқуқлари мавжуд. Шундай бўлса-да, тумандаги айрим касабақўмлар ўз бурчини унутиб қўяётгани ачинарлидир.

Масалан «Хива», П.Маҳмуд номли, Р.Мадаминов, Ал-Хоразмий, Феруз номли ширкат хўжаликлари касаба уюшма қўмитаси раислари ўз бурчларига сидқидилдан ёндошганларида эди, иш ҳақидан қарздорликлар юзага келмасди. Чунки уларнинг кўпчилиги меҳнат қонунларини пухта билмайди. Жамоа шартномалари асосида иш юритмайди. Таълим ва фан соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган баъзи касаба уюшма етакчилари ҳам ўз олдига қўйилган мақсадни қонунлар доирасида рўёбга чиқармаяпти. Феруз номли ўрта мактабда иш ҳақи тарқатилиши вақтида амалдаги қонунларга зид равишда тўй ва маъракалар учун ҳар ойда ходимлардан пул йиғиб олиш ҳолатига йўл қўйилган.

Умуман, айрим меҳнат жамоаларидаги ишончли вакилларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан ёндошаётганлиги касаба уюшмалари обрўйига путур етказмоқда.

**Мақсуд ИСКАНДАРОВ,**
**Хива туман прокурори ўринбосари,**
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

## Саволингизга ЎзКУФКнинг юридик бўлими ҳуқуқшуноси Насиба Тиллахўжаева жавоб беради

***САВОЛ: Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишини касаба уюшма қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб олиш тартиби тўғрисида тушунча берсангиз.***

**С.ҲАМИДОВ,**
**Самарқанд шаҳри**

**ЖАВОБ**: Маълумки, аввалги Меҳнат қонунлари Кодекси ходимлар ва иш берувчилар манфаатларининг вакиллиги масаласини ҳал қилмасди. Фақат касаба уюшмалари тўғрисидаги бир неча меъёрларгина бундан истисно эди.

1996 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида бу масалага оид алоҳида боб мавжуд.

МКнинг мазкур боби халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда эълон қилинган ва жаҳон амалиётида эътироф этилган трипартизм қоидаси – ижтимоий меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишда ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларининг ўзаро ҳисобга олинишига асосланган. Жумладан: унда корхоналарда ходимлар вакиллик органларининг мақоми белгилаб берилган, уларнинг ҳуқуқлари қайд қилинган, вакиллик органларининг қонуний фаолиятларига тўсқинлик қилиш тақиқланганлиги назарда тутилган, иш берувчининг вакиллик органларига нисбатан мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган, вакиллик органлари аъзолари бўлган ходимларга қўшимча кафолатлар берилган.

Шуниси аҳамиятлики, Меҳнат Кодекси биринчи марта ходимларнинг ўз вакиллигини ва улар манфаатларини ҳимояловчи ишончли органни ўзлари белгилаш ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйди.

Ходимларнинг бундай ҳуқуқларини мустаҳкамлаб қўйилиши Меҳнат қонуни халқаро андозаларининг негизларидан бири ҳисобланади ва халқаро Меҳнат ташкилотининг 1948 йилги 87-сон «уюшиш эркинлиги ва ташкил этишга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш» конвенцияси билан 1972 йилги 135-сон «Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисида»ги конвенциясига тўла мувофиқ келади. Меҳнат Кодексининг 101-моддасига биноан башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Эслатиб ўтамизки, аввал амалда бўлган Меҳнат қонунлари Кодекси иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишни албатта касаба уюшма қўмитаси билан келишиб олишни назарда тутарди ва бундай келишиб олиш талаб қилинмайдиган ҳолларнинг мукаммал рўйхатини қайд қилган эди.

Меҳнат Кодексига кўра иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимларнинг вакиллик органи розилигини олиш тўғрисидаги масала жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида ҳал қилиниши керак. Бинобарин, агар бу ҳужжатларда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ходимлар вакиллик органининг олдиндан розилигига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилмаган бўлса, бу ҳолда иш берувчи мазкур корхонанинг ходими билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг розилигисиз бекор қилишга ҳақли бўлади.

Жамоа келишуви ёки жамоа шартномаси иш берувчининг ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишни ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб олиш мажбуриятини қайд қилган ҳолларда эса, бу талабга риоя қилмаслик меҳнат шартномасини бекор қилишнинг белгиланган тартибини бузиш деб баҳоланади.

Шунинг учун Меҳнат Кодексининг 111-моддасининг учинчи қисмда агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб олиш назарда тутилган бўлса, суд касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг розилиги олинган-олинмаганлигини аниқлайди.

Бу масала жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида ҳал қилинаётганда иккита ҳолатга эътибор қаратмоқ зарур:

1. Кўрсатилган ҳужжатларда меҳнат шартномасини фақат иш берувчи томонидан бекор қилишда шундай розиликни назарда тутиш мумкин. Бинобарин, у меҳнат шартномасини, масалан шартнома муддати тугаши сабабли, тарафларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиш ва шу кабиларни назарда тутиш мумкин эмас.

2. Жамоа келишуви ёки жамоа шартномаси бевосита қонунда назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши



ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб олинишини назарда тута олмайди.

Меҳнат Кодекси 101-моддаси биринчи қисмига биноан қуйидаги ҳолларда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига ходимлар вакиллик органининг розилиги талаб қилинмайди:

– корхона тугатилган тақдирда:

– корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 6-бандига кўра меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда ҳам касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг розилигини олиш талаб этилмайди: (Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 12 май Қонуни. 2001 йил 4-июндан кучга кирган).

Бинобарин, бу ҳолларда жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида, гарчи корхонанинг меҳнат жамоаси шундай қилишни талаб қилганида ҳам, меҳнат шартномаси бекор қилинишини ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб олиниши назарда тутилиши мумкин эмас.

Агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига ходимларнинг вакиллик органининг розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бу ҳол меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибининг зарур шартига айланади. Бунинг устига бу шартнинг бажарилиши муайян тартибда амалга оширилиши керак, хусусан бу тартиб:

- розилик бериш тўғрисида ходимларнинг вакиллик органига меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс мурожаат қилганда;

- меҳнат шартномаси бекор қилинишига розилик ходимларнинг тегишли ҳуқуқ берилмаган вакиллик органи ёхуд фақат унинг вакили томонидан ёхуд бевосита меҳнат жамоаси (конференцияси), касаба уюшмаси ташкилоти йиғилиши томонидан берилганда;

- ходимлар вакиллик органининг мажлисида мазкур масалани ҳал қилиш пайтида зарур кворум бўлмаганда;

- манфаатдор ходим вакиллик органининг у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи кўриб чиқилаётган мажлисига таклиф қилинмаганда;

- розилик олдиндан олиниши хусусиятига эга бўлишига доир қонун талабининг (МК 101-моддаси) бузилиши, яъни розилик меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин олинганда;

- меҳнат шартномаси ходимлар вакиллик органининг розилик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтганидан кейин меҳнат шартномаси тугатилган тақдирда бузилган деб ҳисобланади.

Яна шуни эслатиб ўтиш жоизки, касаба уюшма қўмитасининг розилиги фақат олдиндан олинган тақдирда юридик кучга эга бўлади.

Бундай розиликни олиш тўғрисидаги мурожаатнома ёзма шаклда, корхона раҳбари ёки меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан имзоланиб, ходимларнинг вакиллик органига юборилиши керак.

Корхонанинг бошқа мансабдор шахсларидан олинган тақдимнома юридик кучга эга эмас ва ходимларнинг вакиллик органи томонидан кўриб чиқилмайди. Масалан, корхонанинг лавозим вазифаларига кўра бундай ҳуқуқ берилмаган бош муҳандиси, раҳбарнинг ўринбосари, шунингдек, кадрлар бўлими бошлиғи, цех бошлиғи ва шу кабилардан. Афсуски, амалиётда бу масалага ҳамиша ҳам етарлича эътибор берилмайди.

Мурожаатномада иш берувчи меҳнатга оид муносабатларни шахсан қайси ходим билан қандай асослар бўйича (Меҳнат Кодексининг тегишли банди ва моддаси) бекор қилиш ниятида эканлиги аниқ кўрсатилиши зарур.

Касаба уюшмаларининг Низомига биноан йирик корхоналарда бирлашган касаба уюшма қўмитаси, цех қўмиталари, касабақўм раёсатлари ташкил этилиши мумкин. Муҳим амалий савол туғилади: бу сайланма органлар мазкур корхона ходимларининг вакиллик органлари ҳисобланса, меҳнат шартномаси бекор қилинишини келишиб олиш учун уларнинг қайси бирига мурожаат қилиш керак?

Ишлаб чиқариш бирлашмаларида бу масала қуйидагича ҳал қилинади. Раҳбар ёки бирлашма бошқарувининг бошқа органи меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганида, бевосита бирлашган касаба уюшма қўмитасига ёки унинг раёсатига мурожаат қилиниши керак. Агар меҳнат шартномасини ишлаб чиқариш бирлигининг раҳбари ёки бошқа бошқарув органи ўз ташаббуси билан бекор қилаётган бўлса, унда фақат шу ишлаб чиқариш бирлигининг касаба уюшма қўмитасигина меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик беришга ҳақлидир.

Корхона касаба уюшма қўмитаси цех касаба уюшма қўмитасининг бирор-бир қарорини, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинишига розилик бериш ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарорини ҳам, агар бу қарор белгиланган тартибда ва ўз ҳуқуқлари ҳамда касаба уюшма қўмитаси унга берилган ваколатлар доирасида қабул қилинган бўлса, бекор қилиш ёки ўзгартиришига ҳақли эмас. Ўз навбатида, касаба уюшма қўмитаси қабул қилган қарор ҳам юқори турувчи йирик касаба уюшма бирлашмаси томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас.

Касаба уюшма ташкилоти (цехқўм, касабақўм ва ҳ.к.)нинг қарори мазкур касаба уюшма органи ваколатига кирмайдиган масала юзасидан ёки белгиланган тартиб бузилган ҳолда (масалан, зарур кворумнинг йўқлиги, манфаатдор ходимни касаба уюшма қўмитаси мажлисига таклиф этилмаганлиги ва ҳ.к.лар) қабул қилинган бўлса, ушбу қарор юридик кучга эга эмас деб топилиши мумкин ва бу эса ходимни ишга тикланишига етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, касаба уюшмаси йўл қўйилган камчиликни бартараф этиб, белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолда тегишли масала бўйича яна қарор қабул қилиши мумкин. Иш берувчи ходимларнинг вакиллик органи томонидан ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бир ойдан кечиктирмасдан ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.




## Саволларингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

**САВОЛ: Фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан судга мурожаат қилиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.**

**А.НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Сайхунобод тумани**



**ЖАВОБ**: Мазкур масала Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 август куни қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

Қонуннинг 1-моддасига асосан, ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё ўзи яшаётган жойдаги фуқаролик судига ёки ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахс (яъни жавобгар)нинг иш жойидаги судга берилади.

Фуқароларнинг судга шикоят билан мурожаат қилишлари учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

1) фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой:

2) фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой:

3) агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб ололмаган бўлса, шикоят берилганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой, яъни шикоят дастлаб берилган кундан кейинги икки ой.

Шикоят беришнинг белгиланган ушбу муддатлари узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолатларда, судлар томонидан муддатнинг тикланиши мумкинлиги Қонуннинг 6-моддасида акс эттирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрда тасдиқланган 533-сонли «Давлат божи ставкалари» тўғрисидаги қарорининг 1-банди «б» кичик бандчасида мазкур турдаги даъво аризаларини кўриб чиққанлик учун айбдор тарафдан суднинг қарорига кўра, республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган.

**САВОЛ: Меҳнат вазифаларини бажариш чоғидаги ходимнинг соғлиғига етказилган зарар ва бунга зарар етказувчи томонидан тўланадиган маблағ ҳақида маълумот беришларингизни сўраймиз.**

**Б.РАСУЛОВ,**
**Тўрткўл тумани**

**ЖАВОБ**: Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш билан боғлиқ масалалар Меҳнат Кодексининг 187-197 моддаларига мувофиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган «Қоидалар»га асосан кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Жумладан, Меҳнат Кодексининг 189-моддасида белгиланишича, ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган ҳар қандай зарарни, иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб беролмаса, товон пули тўлаши шарт эканлиги назарда тутилган.

Иш берувчи томонидан қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари (меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ва шу каби қоидаларга риоя қилмаслик) яратиб берилмагани оқибатида олинган меҳнат жароҳати иш берувчининг айби билан содир этилган деб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳақидаги далолатнома, суд ҳукми ёки қарори, прокуратура, тергов ва суриштирув идораларининг қарори, меҳнат - техника инспекторининг ёки бошқа мансабдор шахс (орган)ларнинг хулосаси, касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор, меҳнат жароҳати туфайли ходимга вақтинча меҳнатга лаёқатни йўқотганлик учун нафақат тўловлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш хусусидаги касаба уюшмалари ва ижтимоий суғурта жамғармаси идоралари қарорлари ва шу каби бошқа хужжатлар, шунингдек, гувоҳларнинг кўрсатмалари иш берувчининг ходимга етказилган зарар учун айбдорлигини ва жавобгарлигини исботловчи далиллар сифатида қабул қилиниши мумкин.

Ходимнинг (жабрланувчининг) қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг (жароҳатини, касалликни) келиб чиқишига ёки унинг кўпайишига сабаб бўлган тақдирда, зарарнинг тўлов миқдори жабрланувчининг айби даражасига қараб тегишли равишда камайиб боради.

Меҳнат Кодексининг 190-моддасига биноан, ходимнинг соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи томонидан қилиниши шарт бўлган тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

1) жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига ёки меҳнат жароҳати туфайли ходимнинг соғлиғига етказилган зарар (шикастланиши) оқибатида йўқотилган меҳнатга лаёқатсизлик даражасига қараб аниқланадиган иш ҳақи (ёки унинг тегишли қисми) миқдорида жабрланувчига тўланиши шарт бўлган ҳар ойлик пул тўловлари;

2) ходимнинг соғлигига шикаст етиши ёки касб касаллигига дучор бўлиш билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг пуллик компенсацияси;

3) қонунчилик ҳужжатларида, жамоа шартномаларида ва томонларнинг (иш берувчи билан ходимнинг) ўзаро келишуви асосида белгиланган миқдордаги бир йўла бериладиган нафақа тўловлари;

4) шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва белгиланган тартибда маънавий зарарнинг ўрнини қопловчи пуллик компенсациялари.

Зарарни қоплаш учун тўланадиган пул маблағлари миқдори турмуш даражасининг ошиб бориши муносабати билан қонунчиликда белгиланган тартибда индексация қилинади.

## Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

**САВОЛ: Менинг асли касбим қурувчи, мактабда меҳнат таълими ўқитувчиси бўлиб ишлаб келдим. Айни пайтда пенсиядаман. Менга компенсация пули берилмаяпти, шу тўғрими?**

**А.ТЎЛАБОЕВ,**
**Наманган вилояти**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳаққини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига биноан қуйидагиларга энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари 2003 йил 1 апрелдан тўлана бошланган:

– барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагоглик маълумотига эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув, маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрларга;

– «Меҳрибонлик уйи» тарбиячилари, директорлари, ўқув, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларига, психологларга;

– педагоглик маълумотига эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологларига;

– педагоглик маълумотига эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, ўқув маънавий-маърифий ишлари бўйича директори ўринбосарлари, инструктор методистлар, концертмейстрлар ва тренерлик стажига эга ўқитувчилар;

– профессор-ўқитувчилар таркиби, ректорлар, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлар, филиалларнинг директорлари, ўқув, илмий, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб марказлари бошлиқлари, инженерларига.

Юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагоглик ва илмий педагоглик стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга ҳам компесация пул тўловлари бериб борилади.

Педагоглик маълумоти бўлмаган ўқитувчиларга компенсация пул тўловлари берилмайди.



**САВОЛ: Икки ой муддатга меҳнат шартномаси билан ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармалари томонидан ишлаб чиқилиб, Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ва 1995 йил 12 декабрда Адлия вазирлигидан 198-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби» ҳозирги кунда ҳам амалдами? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.**

**К.СОБИРОВ,**
**таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Хоразм вилоят қўмитасининг Янгиариқ тумани бўйича вакили**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги 1289-сонли «Ишловчи пенсионерларга тўланадиган пенсиялар тўғрисида»ги Фармонига асосан 1996 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишловчи пенсионерларга пенсиялар қуйидаги миқдорларда тўланиши белгиланган:

– II жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига (уларга тенглаштирилган шахсларга) I, II гуруҳ ногиронларига ва Чернобил ҳалокати оқибатида азият чеккан шахсларга пенсия тўлиқ миқдорларда тўланади.

Шунингдек, тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига II жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаганлар;

– фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг нафақадаги раислари;

– ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик уй»ларидаги тарбиячиларга, пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида 10 йил меҳнат стажига эга бўлган аёллар ҳам тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига асосан ишлаётган I, II гуруҳ ногиронлари ойлик иш ҳақларига нисбатан даромад солиғи тўлашда энг кам миқдордаги иш ҳақининг 4 бараваридан озод этиладилар.

Икки ойлик муддатга меҳнат шартномаси билан ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, илмий хавфсизлик хизмати ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармалари томонидан ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ва 1995 йил 12 декабрда Адлия вазирлигидан 198-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»нинг 31-бандида назарда тутилган талабга қатъий риоя этилган ҳолда ҳозирги кунда ҳам амалда.

*Саҳифани «Ишонч» мухбири Дилором Аллақулова тайёрлади*

# 2004 йил учун ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ

Жамоа шартномалари «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастури»да белгилаб берилган касаба уюшмаларининг ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда, жамоа шартномаси - корхона (ташкилот, муассаса[1])да иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий, касбга оид муносабатларни тартибга солувчи ва барқарорлаштирувчи норматив ҳужжат сифатида тан олинмоқда.

Жамоа шартномалари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади. Чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади. Жамоа шартномаси амал қилиш муддатини томонлар белгилайди. Одатда бу муддат ҳаракатдаги тармоқ келишувининг амал қилиш муддатидан ошмайди.

[1] **Қуйида «корхона» деб юритилади**

Меҳнат жамоаси умумий мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади. Бунда касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади. Уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Томонлардан бирининг талаби, ташаббуси музокараларни бошлаш учун асос бўла олади. Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг тенг сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокара иштирокчиларига жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни эркин танлаш ва муҳокама этишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

Иш берувчилар касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмасликлари керак.

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек, музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Комиссия ишлаб чиққан жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси)да маъқуллаганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

- жамоа шартномасини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгилаган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;
- музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномасига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;
- жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун. Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

2003 йилда жамоа-шартномавий муносабатлар аҳволини жойларга чиқиб ўрганиш шуни кўрсатдики, жамоа шартномаларини қонун талабларига мувофиқлаштириш борасидаги камчиликлар ҳамма жойда ҳам бартараф этилмаяпти.

Баъзида жамоа шартномаларида касаба уюшма қўмиталарининг обрў-эътиборини оширишга, уларга ходимларнинг корхонадаги чинакам ваколатли, тенг ҳуқуқли орган мавқеини беришга қаратилган энг асосий талаблардан бири - ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан фақат касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олган ҳолда бекор қилиш мумкинлиги масаласи акс эттирилмаяпти. Буни «Пахтабанк» Чиноз бўлими, Тошкент шаҳридаги «2-Автокомбинат» ОАЖ, 17-шаҳар клиник касалхонаси жамоа шартномалари мисолида кўриш мумкин эди.

Баъзида жамоа шартномаларига киритилаётган бандларнинг аксарияти Меҳнат Кодексидан ва «Ишонч» газетасида эълон қилинадиган тавсиялардан ҳеч қандай аниқлик киритмасдан айнан кўчириб олинмоқда ва шу боис мантиқсиз бир ҳолга келтирилмоқда.

Айни вақтда бир қатор жамоа шартномаларида норматив тусдаги қоидалар жамоа шартномасида акс эттирилиши шарт, деб Меҳнат Кодексида бевосита кўрсатма берилган моддалар талаблари ўз ифодасини топмаяпти. Чунончи, Навоий вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, «Навоий сувлойиҳа» масъулияти чекланган жамияти, «Жомбойдон» АЖ, Ғузор туман қишлоқ хўжалик коллежи, Қарши Давлат университети, «Шуртангазкимё мажмуаси» АЖ, «Ўзбекфильм» ОАЖ ва бошқа қатор корхоналарда қабул қилинган жамоа шартномалари мисолида шундай аҳволни кузатиш мумкин.

Бу - иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга вақтинчалик ўтказиш, ўша давр учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори, иш вақтини жамлаб ҳисоблаб чиқиш тартиби, дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб қилиш асослари, брак маҳсулот учун тўланадиган ҳақ миқдорига ва бошқа қатор ҳолатларга тааллуқли масалалардир.

Жамоа шартномаларига, шунингдек, томонларнинг мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари учун масъулиятини оширадиган талаблар киритилмаяпти. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 19 мартидаги 88-сонли қарорида касаба уюшмаларига тавсия қилинган тадбирлар, яъни мажбуриятларни бажармаган айбдорларга нисбатан чора кўриш, иш берувчининг айби билан иш ҳақини кечиктиргани учун жавобгарлиги, шу жумладан моддий жавобгарлиги масалаларига хам аксарият жамоа шартномаларида изоҳ берилмаган.

Баъзида жамоа шартномаси ходимга имтиёзлироқ шарт-шароит яратиш ўрнига, унинг аҳволини ҳатто меҳнат қонунлари ва бошқа норматив тусдаги ҳужжатларга нисбатан ёмонлаштирадиган, қонуний ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ҳужжатга айланмоқда. Чунончи, Қўрғонтепа туманидаги 15-мактабнинг, Жалақудуқ туман маданият ишлари бўлимининг, Андижон вилоятидаги 152-автокорхонанинг, Ғузор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалигининг, Қарши 16-сонли автобус саройи акциядорлик жамиятининг, «Қамаши Сувоқава» корхонасининг, «Коском» қўшма корхонасининг жамоа шартномаларига қонунга зид меъёрлар киритилган эди.

Баъзи жамоа шартномаларида ҳаракатдаги тармоқ келишувлари меъёрлари инобатга олинмаган. Бунга «Биокимё» АЖ, «Омад» ОАЖ, «Технолог» АЖ, Учқўрғон туман маданият бўлими, «Наманганмаш» ОАЖ, «Наманган Телеком» АЖ, «Қорақалпоқ гўштсут савдо» АЖ, «Сирдарё газтаъминот», «Хоразм насос станциялари ва электр тармоқлари», Тахиатош ТЭЦ корхоналари, Ангрен кўмир кесими, Тошлоқ туман халқ таълими бўлими жамоа шартномаларини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарори билан жорий этилган жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш ва қабул қилинганларини рўйхатдан ўтказиш тартиби ушбу жараёнга ижобий таъсир кўрсатишнинг бирдан-бир йўлидир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу масалага жиддий ёндошилган жойларда жамоа шартномаларининг савияси анча кўтарилди.

Лекин буни барча касаба уюшма органлари тушуниб етишди, деб бўлмайди. Масалан, автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Андижон вилоят қўмитаси, маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон ва Фарғона вилоят қўмиталари, алоқа ходимлари касаба уюшмаси Наманган ва Навоий вилоят бирлашган қўмиталари, Бухоро вилоятининг ёқилғи-энергетика, геология ва кимё, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, соғлиқни сақлаш касаба уюшмалари тармоқ қўмиталари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Ғузор туман қўмитаси қатор жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилишмаган.

Ҳар хил баҳоналар билан Янгийўл туман маданият бўлими, Зангиота туман марказий касалхонаси, «Фирма Янгийўл» ОАЖ, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Учқўрғон филиали, «Қоракўлтекс» АЖ, Қизилтепа туман Марказий касалхонаси жамоа шартномалари 2003 йилда экспертизадан ўтмаган.

Қатор жамоа шартномаларида шунингдек, гендер муносабатлари, ногиронлар, пенсионерлар, ишлаётган байналмилалчи жангчилар, Чернобил АЭС фалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашганлар ва 18 ёшга тўлмаган ходимлар ижтимоий ҳимоясига тааллуқли масалалар акс эттирилмаяпти.

Мазкур тавсияларда 2004 йил учун жамоа шартномаларини тузишда эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлган асосий масалалар келтирилган.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1.Жамоа шартномаси томонлари

1.2.Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3.Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси.

1.4.Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

1.5.Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6.Касаба уюшма қўмитаси тақдимномаларини иш берувчи томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан кўриладиган чоралар.

1.7.Келишмовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1.Касаба уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этилиши

2.2.Иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитасини корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши

2.3.Томонлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар

2.4.Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;

г) касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг _____% миқдорида пул ўтказиб бориш;

д) барча ходимлар жамоа шартномасининг мазмуни билан таништирилиши учун тегишли чораларни кўриш.

2.5.Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломлаштириш учун ходимларнинг аризалари асосида тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ж) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

з) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш

## III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

3.1.Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми

3.2.Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари

3.3.Хомашёни етказиб бериш шартномалари ва тайёр маҳсулотни сотиш

3.4.Корхона таъсислигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари

3.5.Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари

3.6.Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шарт-шароитлари

## IV. МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ (ХУСУСИЙЛАШТИРИШ)

4.1.Мулк шаклларини ўзгартиришда унинг у ёки бу вариантини танлашда меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиш

4.2.Хусусийлаштириш ва корхона мулкини баҳолаш бўйича комиссия таркибида касаба уюшма қўмитаси вакилининг иштирок этиши

4.3.Акцияларни чиқариш ва тақсимлаш тартиби, меҳнат жамоасида жойлаштиришга мўлжалланган акцияларнинг ходимлар томонидан тўла сотиб олинишини таъминлаш

4.4.Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма иншоотларини фаолият кўрсатиш тартиби

4.5.Аввал тузилган жамоа шартномасини корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари

## V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

5.1.Меҳнатга хақ тўлаш шакллари, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, қўшимча тўловлар, нафақалар, компенсациялар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар. Нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми.

(Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан амалга ошириладиган тўловларни маълум фоиз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда ижтимоий суғурта ва касаба уюшмалари аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш)

5.2.Ягона тариф сеткаси ноллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш хақининг етказиладиган даражаси

5.3.Иш хақини тўлаш муддатлари.

5.3.1. иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик, шу жумладан, моддий жавобгарлик.

5.3.2. иш берувчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш хақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш, ёки ходим фойдасига пеня ҳисоблаб чиқариш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар

5.3.3. иш ҳақи дебиторлик қарзларнинг ундирилмаганлиги сабабли кечиктирилганда, дебиторлар билан тузилган шартнома ва солиштирма далолатномаларга мувофиқ қарздорлик билан бирга тегишли жарималар ва пенялар ундирилишини таъминлаш ҳамда ундирилган маблағлар ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчининг мажбурияти;

5.3.4. иш ҳақи тўловлари банк муассасалари айби билан кечиктирилганда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан тўловлар тегишли жарималар инобатга олинган ҳолда берилишини банкдан талаб қилиш ва шу маблағ ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчининг мажбурияти;

5.3.5. корхона балансида юқори ликвидли мулки бўлган тақдирда, иш ҳақидан қарздорликни тугатиш мақсадида мулкчилик гарови асосида банкдан кредит олиш борасида иш берувчининг мажбурияти.

5.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни ўрнатиш.

5.5. Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳоларни касаба уюшма қўмитаси билан албатта келишиб олиш.

5.6.Ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом.

5.7.Ишлаб чиқариш нормаси камайтирилган шахслар (ногиронлар, ёш ишчилар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) рўйхати

5.8.Ходимларнинг турли тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

-ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;

-кечки сменадаги, тунги вақтдаги, иш вақтидан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш хақи;

-ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;

-бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;

-кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;

-ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;

-қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

-иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;

-ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга хақ тўлаш миқдорлари;

-иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш мақсадида (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик ва бошқа ҳолларда) ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли

# ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

9

тўловлар миқдори;

5.9.Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари

5.10. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо)

## VI. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

6.1.Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш

6.2.Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасини олдиндан розлигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бош ҳисобчи билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно)

6.3. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек, бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

6.4. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар.

6.5.Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин етказиш

6.6.Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш

6.7.Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшатиб олинган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимларни сонини чегаралаш, ўриндошликни тақиқлаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш хақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) бўшатиб олинаётган ходимларни ишга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш учун меҳнат

10

органлари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида тенг шароитда рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари (агар улар Меҳнат Кодексининг 103 моддасига биноан бундай имтиёзга эга бўлмасалар).

6.8. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги давосидан воз кечиш ҳоллари.

6.9. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати, шунингдек, бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати.

## VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1.Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

-нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун, (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ; (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-16 ёшга тўлмаган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун; (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун; (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорида кўрсатилган меъёрлар)

-уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун; (МК 228I -моддасига биноан: 35 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

7.2. Ходимларни иш пайтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги пайтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги

7.4. Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз

11

иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати.

7.5. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш хақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишда ҳисобга олинадиган давр муддати (ой, чорак, ярим йил, йил).

7.6. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати

7.7. Қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари

7.8. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари

7.9. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи

7.10. Йиллик таътиллар учун хақ тўлаш муддатлари

7.11. Болалик аёл ходимлар учун:

-болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги хақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;

-икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби

7.12. Ходимга иш хақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш хақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари

7.13. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдириладиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари

## VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

**(Мазкур боб бўйича батафсил тавсиялар алоҳида чоп этилади)**

## IX. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

9.1.Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларини бажарилишини мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона қўлланмаси, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши

9.2.Ходимларни ишдаги мувафаққиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш

12

9.3.Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш

9.4.Ходимларнинг корхона (тармоқда)ги узлуксиз меҳнат стажи саналарини нишонлаш

## Х.ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш, шунингдек, аввалги йилларда ўрнатилган имтиёзларни имкон қадар сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир).

10.1. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санатория-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо

10.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар.

10.3. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар.

10.4. 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш:

10.4.1. меҳнат жамоасига алоқадор ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, собиқ байналмилалчи жангчиларга, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатида нурланиш касаллигига чалинганларга тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармонлар билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш ва уларга моддий ёрдам бериш;

10.4.2. кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ўқув қуроллари, дарсликлар ва мактаб формалари билан бепул таъминлаш;

10.4.3. олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган кам таъминланган оила фарзандларини билим олиш учун тўланадиган контракт пулининг бир қисмини тўлаб бериш;

10.4.4. кам таъминланган ва ёш оилалар вакилларини, меҳрибонлик уйларининг собиқ тарбияланувчиларини, ногиронларни санатория-курортларда соғломлаштириш;

10.4.5. янги оила қурган ёшларга моддий ёрдам кўрсатиш;

10.4.6. ишловчи аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кунини корхона ҳисобидан узайтириш;

10.4.7. фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга ҳар ойда моддий

13

ёрдам кўрсатиб бориш;

10.4.8. кўп болали (4 ва ундан ортиқ боласи бор) аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартириш;

10.4.9. мазкур корхонадан пенсияга чиққан ёлғиз пенсионерларнинг уй-жойларини таъмирлаб бериш;

10.4.10. ишлаётган байналмилалчи жангчилар фахрийларни тиббий кўрсатмалар асосида бепул парҳез таомлар билан таъминлаш;

10.4.11. мазкур корхонадан пенсияга чиққан ишламайдиган пенсионерларга байрам саналарида моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

10.4.12. мазкур корхонадан пенсияга чиққан ишламайдиган пенсионерлар вафот этганда дафн маросими харажатларини корхона ҳисобидан қоплаш.

## XI. МАДАНИЙ-ОММАВИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

11.1.Корхона, ташкилот ва муассасаларда маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этиш, уларни мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

11.2.Маданият уйлари, саройлари ва клубларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб бориш ва жиҳозлаш.

11.3. «Маънавият ва маърифат» хоналари, клублар, маданият саройлари ва уйларини Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар ва техник воситалар билан таъминлаш.

11.4. Маданият уйлари, саройлари ва клублар учун хўжалик органлари ҳисобидан меъёрий даражада маблағлар ва штатлар ажратиш.

11.5.Умумхалқ ва касб байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болалик, ёлғиз оилаларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш.

11.6.Тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш.

11.7.Меҳнаткашлар фарзандларини Янги йил арча байрами томошаларига ташрифини уюштириш, уларни хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан байрам совғалари билан тақдирлаш.

11.8.Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида жисмоний тарбия жамоаси ёки клубни тузишга эришиш. Уларда Республика ҳукумати томонидан жорий этилган «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари меъёрий талабларининг бажарилиши учун шароит яратиб бериш.

14

11.9.Меҳнат жамоаларида хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан жисмоний тарбия бўйича йўриқчи лавозимини киритиш.

11.10.Меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш.

11.11.Корхона, ташкилот ва ўқув юртлари тасарруфидаги спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш. Турар-жой ва ётоқхоналар атрофида спорт майдончалари, кичик заллар қуриш ҳамда керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш.

11.12.Меҳнаткашлар фарзандларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига кенг жалб этиш, уларни ва ота-оналарини спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан имтиёзли равишда фойдаланишлари учун маблағ ажратиш.

11.13.Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, ғолибларни муносиб тақдирлаш, туман, шаҳар, вилоят, Республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш.

11.14.Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш.

11.15.Оромгоҳларни эстетик жиҳатдан жиҳозлаш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чораларни белгилаш.

11.16.Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Маънавият ва маърифат» хоналари ва бурчаклари, кутубхоналар ташкил этиш ва уларни керакли кўргазмалар ва Президент асарлари ҳамда янги бадиий асарлар билан таъминлаш.

11.17.Тасарруфидаги оромгоҳ ходимларини овқатлантиришни арзонлаштириш учун қўшимча маблағлар ажратиш.

## XII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати

## XIII. КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ВА САЙЛАНИБ ҚЎЙИЛАДИГАН КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

13.1.Асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма ходимларини меҳнат жамоаси аъзоси сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш,

15

уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажи сақлаб қолиниши

13.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва меҳнат низолари комиссиялари аъзоларини Халқаро меҳнат ташкилотининг 135-Конвенцияси томонидан муҳофаза қилинадиган меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиш.

13.3. Касаба уюшма қўмитасига сайланиб асосий ишидан озод қилинмаган ходимларнинг касаба уюшмаси вазифаларини бажариш учун кетган вақтига хақ тўлаш

### Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий рўйхати

1.Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув

2.Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низом

3.Меҳнатга хақ тўлаш тўғрисидаги низом

4.Корхонада қабул қилинган тарификация

5.Кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом

6.Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом

7.Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом

8.Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом

9.Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда харажатларни қоплаш тўғрисидаги низом

10.Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низом

11.Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати

12.Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати

13.Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати

14. «Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари

16

15.Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган ноқулай меҳнат шароитларидаги касб ва лавозимлар рўйхати

16.Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар рўйхати

17.Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати

18.Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом

19.Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом

20.Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси

21.Қишги-баҳорги ва кузги-қишги мавсумга тайёргарлик кўриш режалари

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунларига қадар сақлаб қолади. Унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда жамоа шартномасини қабул қилишдаги тартиб қўлланилади. Жамоа шартномасининг мазмуни билан барча ходимлар таништирилиши шарт.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди

Корхона мулк эгасини ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномаси қандай бажарилганлиги тўғрисида унга имзо чеккан шахслар (корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома асосида) йилида камида бир марта (ёки жамоа шартномасида белгиланган муддатларда) меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) олдида ҳисобот берадилар.

**Ўзбекистон КУФК
меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими**

# БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН БЎЙИЧА КАСАБА УЮШМА

1

## I. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишнинг баъзи хусусиятлари

Иш берувчилар ва ёлланиб ишлайдиган ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид муносабатларни қонунлар билан ёхуд якка тартибдаги меҳнат шартномалари ва жамоа шартномалари[1] воситасида тартибга солиш мумкин. Мазкур учта услубнинг қўлланиш доиралари ўртасидаги нисбат бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг энг муҳими сифатида иқтисодиёт соҳасида давлат томонидан юритилаётган сиёсат тушунилади. Умумий қоидага биноан, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган иқтисодиётда меҳнатга оид муносабатлар асосан қонунлар орқали тартибга солинади, уларни шартномалар воситасида тартибга солишнинг устуворлиги эса – бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимга кўпроқ хосдир. Иқтисодиёт қанчалик эркинлаштирилган бўлса, унда шартномавий муносабатлар аҳамияти (шу жумладан, меҳнат соҳасида ҳам) шунчалик катта бўлади, деб ҳисобланади.

Лекин бозор тизими ривожланган мамлакатларда ҳам меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишда иқтисодиётнинг муайян тармоқларида – қонун ҳужжатлари, баъзи тармоқларида – якка тартибдаги меҳнат шартномалари, бошқаларида эса – жамоа шартномалари устуворликка эга.

Давлат секторида меҳнатга оид муноса-

2

батлар асосан қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шу боис, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда жамоа музокаралари самара бермайди, деган фикрни амалиётда кўп учратиш мумкин. Баъзи иш берувчилар ва касаба уюшма фаоллари мазкур секторда жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш мақсадга мувофиқлигини ҳам шубҳа остига олишмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Халқаро меҳнат ташкилоти экспертларининг фикрига кўра, деярли барча мамлакатларда, масалан, давлат хизмати соҳасида жамоа музокаралари масаласи ўзига хос муаммоларга бориб тақалади. Бу муаммолар, асосан, давлат хизматчиларига қўйиладиган алоҳида талаблар мавжудлигидан келиб чиқади. Бир хил ёндошувни таъминлаш мақсадида жорий этилган ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ушбу талаблар барча давлат хизматчиларига нисбатан татбиқ этилади ва кўпинча уларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва хизмат шартлари тўғрисидаги низомларда акс эттирилади. Бу билан меҳнат шартлари хусусидаги музокаралар учун ниҳоятда кам имконият қолдирилади ёки бундай имкониятлар умуман йўққа чиқарилади.

Бу муаммолар юзага келишининг яна бир сабаби – бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқлар ходимларининг иш ҳақлари ва бошқа меҳнат шартлари кўпинча иш берувчиларга боғлиқ бўлмаган тегишли поғонадаги бюджетларда акс эттирилиши лозимлигидир. Албатта ҳар қандай бюджет тегишли ҳокимият тузилмалари (парламент, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва ҳоказо) томонидан мамлакатнинг иқтисодий аҳволини ва жамият манфаатларини ҳисобга олиб маъқулланиши керак. Шу боис, давлат секторидаги меҳнат муносабатлари субъектларига нисбатан кўпинча ташқи органлар (масалан, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, давлат ҳоки-

3

мияти органлари ва ҳоказолар)нинг чекловчи йўриқлари ва назорати татбиқ этилади.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати нуқтаи назаридан табиий бир ҳол деб ҳисобланадиган бундай вазият, айни пайтда, жамоа музокаралари эркинлигини маълум маънода чекланишига ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларининг амал қилиш доирасини бирмунча торайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари иқтисодий фаолиятнинг деярли барча соҳаларида (шу жумладан бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда ҳам) ёлланиб ишлайдиган ходимларга касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини беради.

Мамлакатимиз парламенти томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг «Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида»ги 154-Конвенцияси ратификация қилинган. Маълумки, ушбу Конвенция хусусий сектор билан бир қаторда давлат хизмати соҳасида ҳам (ҳарбий хизмат ва полициядан ташқари) жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини беради. Мазкур Конвенцияни ратификация қилган давлат меҳнат ва бандлик шартларини белгилаш мақсадида ўтказиладиган жамоа музокаралари жараёнига кўмаклашиши шарт. Айни вақтда, давлат хизмати соҳасида ушбу халқаро ҳужжатга риоя қилишнинг алоҳида кўринишдаги шакллари (миллий қонун ҳужжатлари ва низомлар ёрдамида ёки таркиб топган амалиётга кўра) қўлланилиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига биноан давлат хизматчиларининг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари тегишли қонун билан белгиланиши керак, бундай қонун мамлакатимизда ҳали қабул қилинмаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, аксарият мамлакатлардан фаркли ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонун ҳуж-

4

жатлари меҳнаткашларнинг барча тоифаларига касаба уюшмаларига бирлашиш, жамоа музокараларини олиб бориш ҳамда жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Лекин давлат секторида ушбу «уч томонлама ҳуқуқ»ни рўёбга чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд: давлат хизматчиларининг ҳаммаси ҳам (масалан, ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари хизматчилари) касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқига эга эмаслар, бирлашиш рухсат этилган жойларда эса - жамоа музокаралари (ва жамоа шартномалари) миллий қонун ҳужжатларида кўрсатилган уларнинг ваколатига кирувчи барча масалаларни қамраб ололмайди.

Амалиётда бундай чекловлар бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқлар меҳнаткашларига давлат томонидан бериладиган имтиёз ва устунликлар билан мувозанатга келтирилади.

## II. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқлар ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, уларга имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар бериш борасидаги қонун ҳужжатларининг асосий кўрсаткичлари

### Солиқлар, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш соҳасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сонли қарорига биноан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 1-, 2- ва 3-рўйхатларга кирувчи бюджет соҳасининг баъзи тоифадаги ходимлари (санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ходимлари) меҳнатининг ўзига хос хусусиятларини ино-

5

батга олиб, уларга даромад солиғи бўйича имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Ушбу ходимлар даромадидан олинадиган солиқларнинг умумий миқдори 25 фоиздан ошмаслиги керак.

Айрим тоифалардаги давлат хизматчилари даромад солиғи тўлашдан умуман озод қилинганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 13 майдаги Фармонига биноан бюджетдан маблағ билан таъминланадиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг, шунингдек, судларнинг давлат хизматчиларига, уларнинг Ягона тариф сеткаси разрядлари бўйича белгиланган окладларига нисбатан рағбатлантириш коэффициенти сифатида 20 фоизлик устамалар тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 490-қарори билан умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув муассасалари ўқитувчиларига дафтарларни текшириш, ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирлик қилиш учун қўшимча тўловлар жорий этилган. Ҳукуматнинг яна бир (2000 йил 21 августдаги 327-сонли)қарори билан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқув-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ ходимларга, педагог ходимларга, психологларга, ишлаб чиқариш усталарига уларнинг лавозим маошларининг 25 фоизи миқдорида ҳар ойда тўланадиган устама жорий этилган бўлиб, бу тўловлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, музей ходимларига (25 фоиз) ва санъат арбобларига ( 10 фоиздан 50 фоизгача) устамалар жорий этилган.

Соғлиқни сақлаш тизимида соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солишга оид Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1995 йил 16 мартдаги 100-сонли буйруғи амал қилади. Мазкур буйруқ билан соғлиғига хавф туғдирувчи ва ўта оғир меҳ-

6

нат шароитлари билан боғлиқ ишларда банд бўлган ходимларнинг схемавий мансаб (ойлик) окладлари (ставкалари)ни ошириш ҳуқуқини берадиган муассасалар ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек, мансаблар рўйхатлари тасдиқланган.

Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси тўғрисидаги Низомга биноан бюджет муассасалари ва ташкилотларида ходимларни моддий рағбатлантириш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдорида бюджет ҳисобидан моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма маблағлари ходимлар иш ҳақига устамалар тайинлаш ва уларга мукофот пулларини тўлашга йўналтирилади.

Қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган халқ таълими ходимларига ана шу давр учун иш ҳақи тўлалигича сақлаб қолинади.

Табиий-иқлим шароитлари ноқулай ҳисобланадиган айрим ҳудудларда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларига кўп йиллик хизматлари учун ҳар ойда устама тўлаб борилади.

### Иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133—сонли қарорига биноан ишнинг алоҳида тусига эга бўлган, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида ишлайдиган ходимлар учун қисқартирилган иш куни ҳамда камида 12 иш кунидан иборат қўшимча таътил белгиланган. Мазкур имтиёзлардан соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим, телевидение ва радиоэшиттириш, суд-тиббий экспертиза, ветеринария ва бошқа соҳалар ходимларининг катта қисми фойдаланади.

7

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 24 мартдаги 131-сонли буйруғи билан юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб таранглиги билан боғлиқ ишлардаги тиббиёт ходимларига иш вақтининг муддати ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун, тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг муддати ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига биноан таълим муассасалари ходимларига қисқартирилган иш вақти ўрнатилади, йиллик ҳақ тўланадиган узайтирилган таътиллар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа имтиёзлар берилади.

Мактаблар, касб-ҳунар билим юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг ўқитувчилари таркибига, улар мазкур ўқув юртига қачон қабул қилинганликларидан қатъий назар, ишнинг биринчи йили учун йиллик меҳнат таътили, улар ишлаган даврига мутаносиб ҳақ тўланиб, ўқувчиларнинг ёзги таътили даврида тўлиқ муддат билан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги Қарорига биноан тегишли қонун қабул қилингунга қадар давлат органлари хизматчилари учун илгари белгиланган таътил муддати сақланиб қолинган.

8

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли Буйруғига биноан олий, ўрта махсус ва халқ таълими ўқитувчилари даврий тиббий кўрикдан бепул ўтказиладилар.

### Ижтимоий кафолатлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига биноан мактаб ўқитувчиларига, болалар уйлари тарбиячиларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлари ва ўқув-ёрдамчи ходимларига, фан соҳаси, ижод ва тиббиёт ходимларига, улар яшаб турган, давлатга ва муассасаларга қарашли уйлар ва хонадонлар шахсий мулкка берилиши мумкин, улар учун якка тартибда уй-жой қурилишига ер участкалари ва қурилиш ашёлари биринчи навбатда ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 январдаги 24-сонли қарорига биноан қишлоқ жойларидаги тиббиёт ходимларининг, ўрмон хўжалиги, ҳарбийлашган қўриқлаш ва профессионал ёнғин хавфсизлиги ходимларининг, Қуролли Кучлар, ички ишлар идоралари, судлар ишчи ва ходимларининг, давлат ҳокимияти олий органлари масъул ходимларининг айрим тоифаларига, доимий асосда ишлайдиган Олий Мажлис депутатларига ва бошқаларга хизматда фойдаланиш учун турар жой олиш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227 сонли Фармонига биноан таълим тизими ходимларининг бир қатор тоифаларига, шунингдек, қишлоқ жойларидаги тиббиёт ва фармацевтика ходимларига уй-жой коммунал хизма-

[1] Мазкур тавсияларда «меҳнатга оид муносабатларни жамоа шартномалари воситасида тартибга солиш» деб, меҳнатга оид муносабатлар субъектлари ўртасидаги жамоа музокаралари натижасида қабул қилинган ва жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, қўшма қарорлар кўринишида, шунингдек ходимларнинг вакиллик органлари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа норматив ҳужжатлар кўринишида расмийлаштирилган меъёрий ҳолатлар тушунилади.

# ТАРМОҚЛАР ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ОРГАНЛАРИ УЧУН ТАВСИЯЛАР

9

ти тўловлари учун энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида пуллик компенсация олиш ҳуқуқи берилган.

**III.Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда меҳнатга оид муносабатларни қонун ҳужжатлари ёхуд жамоа шартномалари билан тартибга солиш меъёрларининг амал қилиш доиралари**

Иқтисодий соҳани эркинлаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнлари албатта давлат секторига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бугунги кунда Республикамизда бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларга бюджетдан ташқари манбалардан қўшимча маблағлар жалб қилиш учун молиявий мустақиллик берилмоқда. Жалб қилинган маблағларни ташкилотнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларни рағбатлантириш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун йўналтиришга рухсат берилган.

2000 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет ташкилотлари ва муассасаларини молиялаштиришнинг янги тартиби жорий этилган бўлиб, унга биноан иқтисод қилинган бюджет маблағлари уларнинг ўзларида қолдирилади ва ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий ривожланиш ҳамда ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилиши мумкин. Бунинг учун юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилоти (муассасаси)да бюджет ташкилотини ривожлантириш Жамғармаси тузилиши мумкин.

Шунингдек, бюджет ташкилотлари ва муассасаларига бюджетдан ташқари манбалардан (маҳсулот ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш, хоналарни ижарага бериш, ҳомийлар маблағлари ва ҳоказолар эвазига) қўшимча маблағ жалб

10

қилиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бу маблағлар жамоа музокаралари орқали тақсимланиши мумкин.

Масалан, Молия, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликларининг 1999 йил 17 декабрдаги 210-сонли қўшма буйруғи билан соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва ўрта махсус таълим соҳаларидаги йирик бюджет ташкилотларига, улар ўзлари жалб қилган бюджетдан ташқари маблағларни ташкилотни ривожлантириш ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтириш имкониятини очиш мақсадида, юридик шахс мақомини олиш ҳуқуқи берилган.

Иқтисод қилинган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари манбалардан тушумлар (ҳомийлик ёрдами бундан мустасно) ҳисобига шакллантирилган бюджет ташкилотини ривожлантириш Жамғармаси маблағларининг 25 фоизгача бўлган қисмини ижтимоий ривожланиш ва ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга йўналтириш мумкин.

Кўриниб турибдики, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда ҳам жамоа музокараларининг аҳамияти кўтарилмоқда. Шу боис, ходимлар ижтимоий ҳимоясининг самарасини ошириш учун, иқтисодиётнинг ушбу секторида меҳнатга оид муносабатларни қонун ҳужжатлари ва жамоа шартномалари билан тартибга солиш меъёрларининг амал қилиш доираларини аниқ чегаралаб олиш жуда муҳимдир.

Мазкур тавсияларнинг иловаларида бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда қонун ҳужжатлари ёки жамоа шартномалари билан тартибга солиниши лозим бўлган меҳнат соҳасидаги асосий меъёрий ҳолатлар келтирилган бўлиб, улар мазкур муаммога оид адабиётларни ўзлаштириш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, таркиб топган амалиёт, шунингдек, миллий қонун ҳуж-

11

жатлари орқали яратилган имкониятлар таҳлили асосида гуруҳларга бўлинган (2003 йил 31 октябргача бўлган норматив-ҳуқуқий негизга биноан).

Иловаларда келтирилган меъёрий ҳолатлар рўйхатлари тўлиқ эмаслиги сабабли, улар тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга зид бўлмаган меъёрлар билан касаба уюшма органлари томонидан тўлдирилиши мумкин.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг, Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимлари**

1-Илова

**БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН ТАРМОҚЛАРДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ МЕЪЁРИЙ ҲОЛАТЛАР**

Қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини ўрнатиш.

Ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиб олиш шартлари. Иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш соҳасида қўшимча имтиёзлар.

Қариндош-уруғларнинг бирга хизмат қилишларини, шунингдек, ўриндошликни чеклаш.

Иш вақти ва дам олиш вақтининг, асосий ва қўшимча таътилларнинг муддатлари.

Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб

12

чиқаришнинг алоҳида қоидалари.

Қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи асосий ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

Ходимларга табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойлардаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериш тартиби.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарздаги тўловларни белгилаш. Нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми.

Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори. Тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори.

Ходимнинг айби билан ишлаб чиқилган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар.

Ходимлар давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида бериладиган кафолатли тўловларни молиялаштириш манбалари ва бериш тартиби.

Ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби.

Ходимнинг иш билан боғлиқ (хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда, ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун) қўшимча харажатларини компенсация қилиш шартлари ва тартиби.

Интизом тўғрисидаги устав ва низомлар. Меҳнат учун рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш.

Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талаблар. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига маблағ ажратиш.

Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори.

13

2-Илова

**БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ МЕЪЁРИЙ ҲОЛАТЛАР**

Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари.

Моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағларини касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда тақсимлаш.

Иш ҳафтасининг турлари. Иш вақти режими.

Иш куни (смена) давомида танаффуслар беришнинг аниқ вақти ва муддати, иш вақтида овқатланиб олиш имконияти бериладиган ишларнинг рўйхати.

Йиллик таътилларни бериш вақти ва навбати. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда йиллик асосий ва қўшимча таътилдан фойдаланиш.

Ходимни уни илтимосига кўра вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек, бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

Ходимни иш берувчи ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар.

Касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олмай туриб, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги.

Ходимлар сони қисқараётганда ходимни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қонунчиликда назарда тутилганидан бошқа

14

ҳолатлар.

Корхонада ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар рўйхати. Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари.

Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлланиш тартиби, ҳисобга олинадиган давр муддати, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар.

Ходимларни дам олиш, байрам (ишланмайдиган) кунлари ишга жалб этиш учун асослар рўйхати ва жалб этиш тартиби.

Таътил учун ҳақ тўлаш муддати.

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари, иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш ўрнатилган муддатга нисбатан кечиктирилганлиги учун жавобгарлик.

Корхона меҳнат тартиби, ходимнинг аниқ меҳнат вазифалари. Интизомий жазолар.

Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати, шунингдек, бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби. Ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш тартиби ва шартлари.

Икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби.

Меҳнат низолари комиссиясини тузиш,

15

унинг сон таркиби ва ваколатларини белгилаш.

3-Илова

**БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР МАВЖУД БЎЛГАНДА, ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ БАЪЗИ ҚЎШИМЧА МЕЪЁРИЙ ҲОЛАТЛАР**

Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилаб қўйган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойлар рўйхатига кирмаган бошқа жойлардаги ҳам ушбу шароитлардаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериш тартиби.

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш масаласи.

Ўз маблағлари ҳисобига меҳнат ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарздаги тўловлар миқдорини ошириш.

Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун тўланадиган ҳақ миқдорини қонунда белгиланган миқдорига нисбатан

16

ошириш.

Тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун тўланадиган ҳақ миқдорини қонунда белгиланган миқдорига нисбатан ошириш.

Ходимнинг иш билан боғлиқ (хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда, ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун) қўшимча харажатларини қонунда белгилаб қўйилган миқдорларга нисбатан оширилган миқдорда компенсация қилиш шартлари ва тартиби.

Меҳнат учун рағбатлантиришнинг қўшимча турлари, уларни қўлланиш тартиби, қўшимча афзаллик ва имтиёзлар бериш.

Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг қонунда белгилаб қўйилган миқдорларига нисбатан оширилган миқдорлари.

Иш берувчининг айбдор ходимдан зарарни ундиришдан бутунлай воз кечиш ҳоллари.

Болани парваришлаш таътилларининг вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш.

Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар.

